



TJAS

Thematic Journal of Applied Sciences

informing scientific practices around the world
through research and development

Thematic Journal of Applied Sciences

Volume 3, No. 6, November 2023

Internet address: <http://ejournals.id/index.php/TJAS/issue/archive>

E-mail: info@ejournals.id

Published by ejournals PVT LTD

Issued Bimonthly

Chief editorS.

G. Ahmed

Professor of Computational Mathematics and Numerical Analysis Faculty of Engineering, Zagazig University, Zagazig, Egypt, P. O. Box 44519

Requirements for the authors.

The manuscript authors must provide reliable results of the work done, as well as an objective judgment on the significance of the study. The data underlying the work should be presented accurately, without errors. The work should contain enough details and bibliographic references for possible reproduction. False or knowingly erroneous statements are perceived as unethical behavior and unacceptable.

Authors should make sure that the original work is submitted and, if other authors' works or claims are used, provide appropriate bibliographic references or citations. Plagiarism can exist in many forms - from representing someone else's work as copyright to copying or paraphrasing significant parts of another's work without attribution, as well as claiming one's rights to the results of another's research. Plagiarism in all forms constitutes unethical acts and is unacceptable. Responsibility for plagiarism is entirely on the shoulders of the authors.

Significant errors in published works. If the author detects significant errors or inaccuracies in the publication, the author must inform the editor of the journal or the publisher about this and interact with them in order to remove the publication as soon as possible or correct errors. If the editor or publisher has received information from a third party that the publication contains significant errors, the author must withdraw the work or correct the errors as soon as possible.

OPEN ACCESS

Copyright © 2023 by Thematics Journals of Applied Sciences

CHIEF EDITOR

S.G. Ahmed

*Professor of Computational Mathematics and Numerical Analysis Faculty
of Engineering, Zagazig University, Zagazig, Egypt, P. O. Box 44519*

EDITORIAL BOARD

Yu Li

*Wuhan University of
Technology, China*

Seung Man Yu

*Seoul National University of Science
and Technology, South Korea*

Syed Saeid Rahimian Kolor

*Universiti Teknologi Malaysia,
Malaysia*

Eko Susanto

Menegment of journal Indonesia

Siti Mazlina Mustapa Kamal

Universiti Putra Malaysia, Malaysia

ELSEVIER



SSRN

Universal
Impact Factor



КРЕДИТ ҚАРЗЛАРИНИ УНДИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

А.А.Абдурашидов

Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи
кафедраси ўқитувчиси,
Тошкент, Ўзбекистон
abdurashidovabdurauf1991@gmail.com

Аннотация. Мақола жисмоний ва юридик шахсларга тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларни сўндиришда вужудга келётган муаммоларни ўрганишга бағишланган. Мақолада тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан ажратилган кредит маблағларини ундиришда судларга киритилган даъво аризалари ҳамда суд амалиёти ҳар-ҳил йўлга қўйилганлиги ўрганилиб, амалдаги қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: кредит, муддати ўтган қарздорлик, муддати ўтмаган қарздорлик, фуқаролик кодекси.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ, СВЯЗАННЫЕ СО ВЗЫСКАНИЕМ КРЕДИТНОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ

Абдурашидов А.А.

Преподаватель кафедры
уголовно-процессуального права
Ташкентского государственного
юридического университета,
Ташкент, Узбекистан
abdurashidovabdurauf1991@gmail.com

Аннотация. Статья посвящена исследованию проблем, возникающих при погашении кредитов, предоставленных коммерческими банками физическим и юридическим лицам. В статье изучены поступающие в суд иски и судебная практика по взысканию кредитов, предоставленных коммерческими банками физическим и юридическим лицам, а также разработаны предложения в действующее законодательство.

Ключевые слова: кредит, просроченная задолженность, задолженность, Гражданский кодекс.

SOME ISSUES RELATED TO DEBT COLLECTION

A.A. Abdurashidov

Lecturer of the Department of Criminal and
Procedural Law of Tashkent State Law University,
Tashkent, Uzbekistan
abdurashidovabdurauf1991@gmail.com

Abstract: The article is devoted to the study of the problems arising in the repayment of loans allocated by commercial banks to individuals and legal entities. In the article, the lawsuits submitted to the courts and court practice for the collection of loans allocated by commercial banks to individuals and legal entities were studied, and proposals for the current legislation were developed.

Keywords: credit, overdue debt, debt, civil code.

"Тадбиркорлик ривожини янада юксак босқичга кўтариш - устувор вазирамиздир"

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М.Мирзиёев

Президентимиз томонидан 2023 йил 18 август куни мамлакатимиздаги тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқида

"Солиқ ёки кредит қарзини ундириш бўйича суд қарори чиқарилганида, пеня ва фоизлар ҳисоблаш тўхтатилиши" ҳақида айтиб ўтдилар.

Кредит - бу кредит ташкилотлари, масалан банк томонидан ажратиладиган қарз маблағларидир. Банklar пулларни бир ташкилотдан қарз олиб бошқасига маълум бир муддатга қарзга беради. Пулни қарз сифатида олиб ишлатгани учун фоиз тўлайди ва мижозларига қарзга бергани эвазига эса фоиз ундиради. Тўланган фоизлар ва ундирилган фоизлар ўртасидаги фарқ банкнинг даромади ҳисобланади.

Демак, банкка тадбиркор сифатида қарайдиган бўлсак, у ўз бизнеси учун "хом-ашё" сотиб олади, "маҳсулотни ишлаб чиқаради" ва даромад кўриш учун мижозларига "сотади". Бу ерда, 1. Хом-ашё - бу пулларни депозитга фоизлар эвазига жалб қилиш, 2. Тайёр маҳсулот - бу банк хизматлари, сотув - бу кредит ва бошқа банк хизматлари эканлиги назарда тутилган .

Ҳозирги кунда фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларга тижорат банклари томонидан кредитларни ундириш билан боғлиқ киритилган даъво аризаларни таҳлил қилсак.

Судлар томонидан кредит қарзларини ундириш билан боғлиқ даъволар 22.12.2006 йилдаги "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжалик суди Пленумининг

13/150-сонли Қарорида белгиланган талаблар ҳамда амалдаги фуқаролик кодекси ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кўрилмоқда .

Ўрганишда, тижорат банклари томонидан кредитларни ундириш юзасидан судларга даъво аризаларини киритиш амалиёти турлича йўлга қўйилганлиги,

киритилган даъво аризаларини судлар томонидан кўриб чиқилишида ҳам суд амалиёти бир ҳилда эмаслиги, бу эса жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига ҳамда тадбиркорлик субъектларининг фолиятини тўхтатишига сабаб бўлмоқда.

Бунга асос сифатида, амалдаги Фуқаролик кодексининг 736-моддасида агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақлилиги белгиланган.

Хусусан, айрим тижорат банклари томонидан кредитнинг муддати ўтган қисмини ундириш бўйича судларга даъво аризалари киритилган бўлса, аксинча, айримлари томонидан кредитни тўлиқ, яъни муддати ўтмаган қисмини ҳам ундириш юзасидан даъво аризалар киритилган.

Мисол учун, Суднинг тегишли қарори билан жавобгар "XXX" МЧЖ ҳисобидан банк филиали фойдасига муддатли 46,7 млн. сўм кредит қарзи, муддати ўтган 7,6 млн. сўм фоиз қарзи жами 54,3 млн. сўм кредит қарздорлигини ундириш ва ундирувни жавобгарга тегишли савдо дўкони биносига қаратиш ҳамда жавобгар ҳисобидан давлат фойдасига 3,4 млн. сўм давлат божи ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилган.

Ваҳоланки, жавобгар кўрсатмасида даъвони тан олиб, қисман 7 млн. сўм тўлаганлигини, график бўйича муҳлат берилса, икки-уч кунда қарздорликни тўлаб беришини, қолган қарздорликларни ойма-ой тўлашлигини баён қилган.

Ачинарлиси, ушбу ҳолатда тадбиркор 7 млн. сўм муддати ўтган кредит қарздорлигини ўз вақтида тўламаганлиги учун 3,4 млн. сўм давлат божи тўлаши ҳамда гаровга қўйилган савдо дўконини банк ихтиёрига ўтказишга мажбур бўлган.

Бу каби ҳолатларда кредит шартномасининг муддати тугамасдан гаровга қўйилган кўчар ва кўчмас мулклар банклар фойдасига олиб қўйилишига, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилишига, давлат божлари даъво суммасидан келиб чиқиб ҳисобланганда қарздорга бир неча карра ортиқча ҳаражатларни тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаришига олиб келмоқда.

Шу сабабли, кредит қарзининг қолган барча қисмига эмас, балки, муддати ўтган қарз бўйича фоизларни ундириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу эса, ўз навбатида кредит олувчиларнинг молиявий ҳолатини яхшиланишига ҳамда коррупциявий ҳолатларни олдини олишга сабаб бўлади.

Шунга кўра, тижорат банклари томонидан судларга кредит қарзларини қарздорлардан ундириш юзасидан даъво аризаларида қарздорларнинг банк олдидаги муддати ўтган кредит қарздорликларини ундириш билан боғлиқ талабни қўйиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, амалдаги Фуқаролик кодексининг

736-моддасига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш яъни агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг шу муддати келган қисмини қайтаришни талаб қилишга ҳақли .

Агар қарз шартномасида қарз бўйича фоизларни қарзнинг ўзини қайтариш муддатидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлса, бу мажбурият бузилган тақдирда, қарз берувчи қарз олувчидан қарз бўйича фоизларини талаб қилишга ҳақлилиги


мақсадга мувофиқ.

Кутилаётган натижа, жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларидан кредит ҳисобига сотиб олинган мол-мулкларини ўзларида сақлаб қолиш, суд ҳаражатларини камроқ тўлаш, тўлов интизомига риоя қилиш кўникмасини шаклланишига ҳамда тижорат банклари томонидан даъво аризалари киритилишида ва суд амалиёти бир ҳил йўлга қўйилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси "иккинчи қисм".
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг 22.12.2006 йилдаги 13/150-сонли қарори.
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 25.10.2023 й., 03/23/871/0797-сон.
4. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/09/09/taxes/>.
5. <https://cbu.uz/upload/medialibrary/51f>.

ELSEVIER



Universal
Impact Factor

